



Азиз ота оналар, Аллох таоло ўзи тўгрисида бундай дейди: **Ул зотга ўхшаш бирор нарса йўқ ва Ул зот** (хамма нарсаларни) **эшитгувчи ва кўргувчидир** (Шўро-11).

Биродарлар, биз Аллох таолони сифатлашимизда, Ул зот сифатларини исбот килиб, Унинг сифатларини бирор махлук сифатига ўхшатишимиш мумкин эмас. Бир тоифа одамлар Аллохнинг сифатларини махлуклар сифатига ўхшатиб адашиб кетишиди. Буларга Мушаббихалар дейилади. Яна бир тоифа, Аллохнинг сифатларини инкор килиб, йўкка чикаришиди. Буларга эса Жахмийялар дейилади.

1. Савол: Болажоним, биз ибодатларимизни кимга ўхшаб килишимиз керак?

Жавоб: Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам кандай килган бўлсалар биз хам шундай килишимиз керак.

2. Савол: Мана шу тўгрисида пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг хадисларини биласанми?

Жавоб: У киши айтганларки: Мен кандай намоз ўкиган бўлсан, сизлар хам шундай ўкинглар.

3. Савол:



Болажоним, хар доим тўгри йўлдан юришимиз учун нима килишимиз керак?

Жавоб: Аллохнинг Китоби ва пайгамбаримиз саллалоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини мустахкам тутишимиз керак.

4. Савол: Болажоним, демак ибодатни факат Аллоҳ учун килиб, пайгамбаримиз саллалоҳу алайҳи ва салламгагина эргашишимиз лозимми?

Жавоб: Ха дадажон, факат пайгамбаримизгагина эргашамиз.

5. Савол: Ёлгиз пайгамбаримизга эргашсак, демак бу хам тавхид экан-да?

Жавоб: Ха дадажон, бунга эргашиш тавхиди дейилади.

6. Савол: Болажоним, сен дин ўрганишингда нимадан бошлайсан?

Жавоб: Куръон ва Суннатдан?

Болажоним, барака топ! Сенга нима олиб берай!